

(Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори томонидан 2019 йил 22 август куни 88-сон буйруғи билан тасдиқланган)

Болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш бўйича энг яхши услубий ишланма/лойиҳа Республика танлови тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1.1. Болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш бўйича энг яхши услубий ишланма/лойиҳа Республика танлови (кейинги ўринларда – Танлов) жамиятда китобнинг нуфузини, китоб ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган энг яхши услубий ишланмаларни/лойиҳаларни аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадида ўтказилади.

1.2. Танлов ташкилотчилари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи.

1.3. Танлов беш йил давом этади.

1.4 Танловни 2019 йилда ўтказиш муддатлари: 15 августдан - 1 ноябргача.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Танловнинг мақсади – аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида китобхонлик нуфузини ошириш, китоб ва китобхонлик маданиятини сақлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган энг яхши услубий ишланмаларни/лойиҳаларни аниқлаш ва тарғиб қилиш.

2.2 . Танлов вазифалари:

танлов иштирокчиларини болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилишни инновацион шакллари ва усулларини ишлаб чиқишга рағбатлантириш;

ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларини ҳамда аҳолини кенг қатламларини китоб ва китобхонлик фаолиятини ривожлантиришга жалб қилиш;

болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш соҳасида энг яхши услубий ва инновацион иш тажрибаси базасини шакллантириш;

мутолаа фаоллигини ривожлантириш, мутолаа маданиятини ошириш, фуқароларнинг ахборот маданиятини шакллантиришга кўмаклашиш;

мутолаа ва китобга бўлган доимий қизиқишни ривожлантириш мақсадида турли адабий асарларни, шу жумладан замонавий муаллифлар нашрларини оммалаштириш;

ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятида китоблар ва мутолаани тарғиб қилишнинг энг самарали услубий ишланмаларини жорий этиш.

III. Танлов шакли ва ўтказиш муддати

3.1. Танлов беш йил давомида ўтказилади. Ҳар йили номинациялар ўзгариб боради.

3.1.1 Танлов биринчи йилда (2019 йил) **"Интерфаол китоб"** ва **"Фойдаланувчи билан ишлашнинг интерфаол шакллари"** номинациялари бўйича ўтказилади.

3.2. Танлов босқичини ўтказиш шакли:

Танлов икки босқичда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.2.1. I босқич Танлов қатнашчиларининг аризалари мазкур Низомда тасдиқланган шаклда тақдим этилади.

3.2.2. II босқичда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтадиган «INFOLIB» Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида услубий ишланма/лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтади.

3.3. Танлов босқичларини ўтказиш муддатлари:

3.3.1. Танлов ҳақида эълон берилгандан сўнг 2019 йилдан бошлаб ҳар йили 15 августгача (Оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида)

3.3.2. Танловда иштирок этиш бўйича аризаларни қабул қилиш: 2019 йил бошлаб ҳар йили 15 август – 30 сентябрь.

3.3.3. Аризаларни Танлов асосида баҳолаш: 2019 йил бошлаб ҳар йили 1–15 октябрь.

3.3.4. Танловнинг I босқич ғолибларини аниқлаш ва эълон қилиш: 2019 йил бошлаб ҳар йили 20 октябргача.

3.3.5. Танловнинг II босқичини ўтказиш: 2019 йил бошлаб ҳар йили 1 ноябргача.

IV. Танлов ўтказиш шартлари

4.1. Танлов иштирокчилари:

турли вазирлик ва идораларнинг ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари;

докторантлар, магистрантлар ва олий ўқув юртлари талабалари;

китобларни оммалаштириш ва фуқароларнинг мутолаага бўлган қизиқишни ошириш билан шуғулланадиган мутахассислар.

4.2. Иштирокчилар учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузмайдиган муаллифлик асарларини танловга тақдим этадилар.

4.3. Танловда қатнашган иштирокчиларнинг танлов ишларидан очиқ фойдаланиш ва уларни ахборот-кутубхона фаолиятида кейинчалик нотижорат мақсадларда фойдаланишга розилигини билдиради.

4.4. Танлов давомида ташкилотчилар танлов доирасида ўз ишларини тақдим этган иштирокчиларнинг танлов ишларидан (учинчи шахсларнинг расмларидан ташқари) кўпайтириш, тарқатиш, оммага етказиш, Интернетга жойлаштириш орқали фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

4.5. Танловга юборилган материаллар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

4.6. Лойиҳалар қуйидаги тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

муваффақиятли амалга оширилган ёки амалга ошириш жараёнидаги услубий ишланмалар/лойиҳалар орқали болалар ва ёшларни мутолаага жалб этиш ҳамда тарғиб қилиш;

услубий ишланмалар/лойиҳа доирасида ташкил этилган тадбирларда болалар ва ёшларнинг мулоқот ва фаол иштирокини таъминлаш;

ушбу қоидаларнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилади (ариза илова қилинади).

4.7. Қуйидаги йўналишдаги лойиҳалар устивор ҳисобланади:

болалар ва ёшлар аудиториялари билан ишлашга йўналтирилган; миллий ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларини тарғиб этишга, ўлкашунослик, илмий китобларни оммалаштиришга қаратилган;

материални ва/ёки Интернет сайтни тақдим этишда мультимедиа интерфаол технологияларидан фойдаланилган;

илмий ва услубий таъминотини акс эттирувчи янги ва инновацион иш шакллари ҳамда усулларидан фойдаланилган;

жисмоний имконияти чекланганлар билан ишлашга ёки туғма касалланган кишиларга йўналтирилган.

4.8. Танлов шартларига жавоб бермайдиган лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

V. Танлов номинациялари

5.1. 2019 йилда Танлов учун жорий қилинган номинациялар:

5.1.1. **"Интерфаол китоб"** номинацияси – интерфаол шакллар бўлиб, мультимедия ва Интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда мумтоз жаҳон хорижий ва ўзбек миллий адабиётини оммалаштириш. Жумладан, интерфаол хариталар ёки мумтоз асарлар бўйича қўлланмалар яратиш; фотосуратлар, коллажлар, расмлардан фойдаланган ҳолда мумтоз асарларни иллюстрация қилиш; буктрейлерларни ишлаб чиқиш; электрон ва ўқув кутубхоналарини ривожлантириш.

5.1.2. **"Фойдаланувчи билан ишлашнинг интерфаол шакллари"** номинацияси – китобларни тарғиб қилиш ва китобхонларнинг акс-алоқаларидан фойдаланган ҳолда фокус-гурuhlарда мутолаа қилиш, жумладан, кўшима муҳокама ва китобнинг иллюстрацияси; китобда кўтарилган долзарб масалаларни муҳокама қилиш; қаҳрамонлар ҳаракатига мувофиқ саёҳат

йўналишларини яратиш (фотосуратлар ва пейзаж расмларидан фойдаланган ҳолда); ахборот маданиятини шакллантириш ва фуқароларнинг мутолаага бўлган қобилятини шакллантириш механизмларини яратиш.

VI. Танловда иштирок этиш тартиби

6.1. Аризалар 2019 йил 15 август – 1 октябрь кунлари қабул қилинади.

6.2. Аризалар info@natlib.uz электрон почта манзилига юборилади.

6.3. Хатда "Болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш бўйича энг яхши услубий ишланмалар/лойиҳа" Республика танлови кўрсатилиши лозим. Ушбу мавзу кўрсатилмаса аризалар кўриб чиқилмайди.

6.4. Танловда ҳар бир номинация бўйича бир нечта танлов аризасини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган яқка тартибдаги иштирокчи ва бир гуруҳ иштирокчилар қатнашиши мумкин.

VII. Танловнинг I–босқичини ўтказиш тартиби (аризаларни танлаб олиш)

7.1. Танлов иштирокчиларининг услубий ишланмалари/лойиҳаларини баҳолаш ахборот-кутубхона соҳаси мутахассислари, услубчилар, соҳавий ўқитувчилардан иборот мустақил ҳакамлар гуруҳи томонидан амалга оширилади.

7.2. Ҳакамлар гуруҳи таркиби танлов ташкилотчилари томонидан тасдиқланади.

7.3. Ҳакамлар гуруҳининг ҳар бир аъзоси бошқа ҳакамлар билан маслаҳатлашмасдан юборилган аризаларни дастлабки баҳолашини амалга оширади.

7.4. Танлов аризаларини баҳолаш мезонлари:

танлов шартларига мувофиқ (услубий ишланма/лойиҳа эълон қилинган йўналишга мувофиқ);

услубий ишланма/лойиҳани амалга ошириш бўйича фаолиятнинг белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқлиги, мутолаага жалб этиладиган мақсадли аудитория билан интерактив ҳамкорлик даражаси;

ғоянинг янгилиги ва ўзига хослиги, лойиҳа фаолиятида инновацион услублардан фойдаланиш, тақдим этилган шакл ва иш услубларининг самарадорлиги даражаси;

услубий ишланма/лойиҳани амалга оширишнинг аниқ механизмнинг мавжудлиги (амалга ошириш бўйича аниқ муддатлар ва сметаларни белгилаш, мавзунинг тўлиқлиги ва кўлами, ахборотга бойлиги, равон баён қилинганлиги, мазмун-моҳияти);

услубий ишланма/лойиҳани ишлаб чиқиш истиқболлари, услубий аҳамият (ишланмани бошқалар томонидан фойдаланиш имкониятининг аниқ усуллари мавжудлиги).

7.5. Дастлабки танлов натижаларига кўра, ҳар бир номинацияда энг кўп балл тўплаган бешта ариза муҳокамага киритилиб кўриб чиқилади.

VIII. Танловнинг II босқичини ўтказиш тартиби (тақдимот)

8.1. Танловнинг II босқичи 2019 йил 28 октябрдан 1 ноябргача Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтадиган "INFOLIB-2019" VIII Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида ўтказилиб, иштирокчи/қатнашувчилар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган услубий ишланма/лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтади.

8.2. Ҳар бир номинацияда I босқичдан ўтган бешта ишланма/лойиҳа тақдимоти иштирок этади.

8.3. Танловнинг II босқич натижаларига кўра иккита номинация ғолиблари аниқланади.

IX. Ғолибларни тақдирлаш

9.1. Танлов натижаларига кўра, номинациялар бўйича олти нафар ғолиб аниқланиб, мос равишда I, II ва III ўринлари белгиланади.

9.2. Танлов номинациясидан I ўринни эгаллаган икки нафар ғолиблар диплом, қимматбаҳо ва китоблар тўплами билан тақдирланадилар.

9.3. Танлов номинациясидан II ўринни эгаллаган икки нафар совриндор дипломлар ва китоблар тўплами билан тақдирланадилар.

9.4. Танлов номинациясидан III ўринни эгаллаган икки нафар совриндор дипломлар ва китоблар тўплами билан тақдирланадилар.

9.5. Ғолибларни тақдирлаш маросими 1 ноябрь куни "INFOLIB-2019" VIII Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг ёпилиш кунида ўтказилади ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

X. Танлов ташкилотчиларининг манзиллари:

Танлов ишлари электрон почта орқали қабул қилинади:

info@natlib.uz Республика танловига “Болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилиш бўйича энг яхши услубий ишланма/лойиҳа” мавзуси хатга эслатма қилиб бириктирилсин.

Боғланиш учун телефон рақами: (99871) 232-83-94; 239-41-18.

Масъуллар: М. Балтабаева, Н.Холдорова, Ф.Рўзиева.

Мурожаат шакли

Титул варақаси

1. Услубий ишланма/лойиҳа номи (услубий ишланма/лойиҳанинг моҳиятини ақс эттириш ва қисқача мазмуни):

2. Ф.И.Ш.(тўлиқ) услубий ишланма /лойиҳа раҳбари

2.1. Услубий ишланма/лойиҳа раҳбари статуси (лавозими):

Қатнашувчилар: талаба, магистр (тегишлигини белгилаш). Олий ўқув юрти номи, курс, мутахассислик;

Доктор/изланувчи: олий ўқув юрти, илмий текшириш институти, бошқа (тегишлигини белгилаш). Олий ўқув юрти номи, курс, мутахассислик; илмий текшириш институти, курс, изланиш йўналиши:

Мутахассислик: ишлаш жойининг номи, лавозим

2.2. Мурожаат учун телефон (шаҳар коди билан):

2.3. E-mail:

3. Ф.И.Ш.(тўлиқ) услубий ишланма/ лойиҳа раҳбари:

Қатнашувчилар: талабалар, магистр (тегишлигини белгилаш). Олий ўқув юрти номи, курс, мутахассислик; илмий текшириш институти, курс, эгалланадиган мутахассислик:

Доктор/изланувчи: олий ўқув юрти, илмий текшириш институти, бошқа (тегишлигини белгилаш). Олий ўқув юрти номи, курс, мутахассислик; илмий текшириш институти, курс, изланиш йўналиши:

Мутахассис: иш жойининг номи, лавозими

3.2. Мурожаат учун телефон рақами (шаҳар коди):

3.3 E-mail:

4. Услубий ишланма/лойиҳани тадбиқ қилишнинг давомийлиги:

Бошланиш санаси:

Тугатиш санаси:

5. Услубий ишланма/лойиҳанинг қисқача музмуни

(Бу бўлим қисқача 150 сўздан ошмаган бўлиши керак, услубий ишланма/лойиҳанинг мақсади, натижага эришиш учун босқичлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Бу бўлим услубий ишланма/лойиҳани эксперт баҳолашда мурожаатларни тайёрлашда қўлланилади).

Ишлаб чиқилган муддати: _____

Услубий ишланма/лойиҳа тавсифи

1. Услубий ишланма/лойиҳани муаммонинг ҳал этишга йўналтирилганлиги бўйича тавсифи

Муаммонинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини асослаш.

2. Услубий ишланма/лойиҳанинг мақсад ва вазифалари

Лойиҳани ижобий ўзгаришларга йўналтирилганлиги, кўзланган мақсадга эришиш учун режалаштирилаётган ишларни кўрсатиш.

3. Фойда олувчилар (лойиҳанинг мақсадли гуруҳи)

Мақсадли гуруҳнинг қисқача тавсифи (Ижтимоий ва ёшига оид маълумот), миқдорий кўрсаткичлар – лойиҳани амалга оширишдан манфаатланувчи фуқаролар сони неча кишини ташкил қилади?

4. Лойиҳа доирасидаги фаолият

Лойиҳа доирасида қўлланиладиган аниқ ҳаракатлар, лойиҳани амалга ошиши механизмини тавсифлаш ва уларнинг ҳар бири лойиҳа мақсадига мослигини кўрсатиш.

5. Лойиҳа амалга ошишининг режа-жадвали

Дастур бўйича тахминий бошланиш ва якунланиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қачон ва нима ишлар қилиниши режа-жадвалини ишлаб чиқиш.

6. Лойиҳадан кутилаётган натижалар

Лойиҳанинг сифати ва миқдорий натижаларини тавсифланг.

7. Натижаларни баҳолаш мезони ва услублари

Лойиҳа муваффақиятини қандай кўрсаткичлар асосида баҳоланишини белгиланг.

8. Лойиҳа барқарорлиги ва унинг келажакда такомиллаштириш.

Лойиҳа якунида бу фаолият қандай давом этади? Лойиҳа фаолиятини кенгайтириш режалаштирилганми?

9. Лойиҳанинг асосий ижрочилари ҳақида қисқача маълумот

Лойиҳани амалга оширишга жалб қилинадиган ходимларни санаб ўтиш, уларнинг лавозим мажбуриятлари, маълумоти ва иш тажрибасини кўрсатиб бериш сўралади.